БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 242 (16.325) • 16 октябрь 1975 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин

ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

Сурхондарё областидаги Сариосиё районининг қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари тўққизинчи беш йиллиннинг якунловчи йилидаги юксак мажбуриятларини бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини муддатидан илгари, 15 октябрда адо этдилар. Пахта тайёрлаш беш йиллик плани 103 процент бажарилди.

Район хўжаликлари бу йил тайёрлов пунктларига 54,9 минг тонна юқори сифатли пахта етказиб бердилар.

«Коммунизм», «Ленинград», «Ўзбекистон», Охунбобоев номли, Калинин номли, «Правда» колхозларининг деҳқонлари пахта тайёрлаш планини бажарганликлари тўғрисида районда биринчи бўлиб рапорт бердилар.

Механизаторлар пахта тайёрлаш планининг муддатидан илгари бажарилишига катта ҳисса қўшдилар. Теримчи машиналарининг пешқадам механик-ҳайдовчилари — Охунбобоев номли колхозидан Мирзамурод Курбонов, «Коммунизм» колхозидан Маматқул Аҳмедов ва Фозил Турдиев, Ленин номли колхозидан Момасулув Тоғаймуродова ва бошқалар 200-270 тоннадан пахта териб бердилар.

Йиғим-терим ва давлатга пахта сотиш давом эттирилмоқда. Район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пахта ялпи ҳосилини 65 минг тоннага етказишга, давлатга қўшимча равишда 10,1 минг тонна «оқ олтин» сотишга, гектаридан 41,8 центнердан ҳосил кўтаришга, 1976 йил ҳосили учун кузги, қишки ишларни энг яхши агротехника муддатларида ўтказиш мақсадида барча қишлоқ хўжалиги экинларини қисқа муддат ичида йиғиштириб олишга аҳд қилдилар.

САМАРАДОРЛИК БОШ МЕЗОН

Сирдарё ГРЭСининг қудратли тўрт блоки гуполлаб ишлаб, ўлкамизга нур таратяпти. Қарши даштидаги қатор насос станциялари асрий чўлдаги минглаб гектар экин майдонларини сув билан таъминламоқда. Бухоро ип газлама комбинатининг маҳсулотлари харидоргир бўлиб қолди. Наманган газламалар комбинати лойиҳада мўлжалланган қувватларни жадал ўзлаштирмоқда. Булар ва шу каби қатор янги объектлар қутлуғ касб эгалари — қурувчи ва монтажчиларимиз фидокорона меҳнатининг яхлит жамулжамидир.

Жонажон партиямиз XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун кураш мусобақасида фаол иштирок этаётган мамлакатимиз меҳнаткашлари сингари Ўзбекистон бинокорлари, қурувчи-монтажчилари ҳам ишлаб чиқаришда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Азамат беш йиллигимизнинг ўтган даври мобайнида юздан ортиқ янги корхоналар қуриб, фойдаланишга топширилди. Республикамиз шаҳар қишлоқларида 2 миллион 215 минг оила янги уйларга кўчиб кирди, уй шароитларини яхшилаб олди ёки давлатдан бериладиган қарз ёрдамида шахсий уй-жойга эга бўлди.

Бундай муваффақиятларга Ўзбекистон индустрияси жадал ривожланаётганлиги ҳам катта ёрдам кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Республика Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналари маҳсулот тайёрлаш ҳажми бўйича беш йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Қурувчилар, бинокорлик материаллари саноати корхоналари коллективлари ва лойиҳалаш ташкилотлари мутахассисларининг мустаҳкам ҳамкорлиги натижасида ўтган йиллар мобайнида катта ҳажмдаги қурилиш ишларини бажариш мумкин бўлди. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган ишлар бинокорлар мусобақасининг самараларини ошириб боришга имкон бермоқда.

Шуниси қувончлики, республикамизда бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 1970 йилга нисбатан 62,3 процент ортди. Цемент, шифер, асбоцемент қувурлар, дераза ойнаси, пардозбоп сопол плиталар, гранит, мармар каби безакли буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди. Бинокорликда ишлатиладиган материалларнинг янгидан 29 хилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Партия XXV съездини юксак меҳнат зафарлари билан кутиб олиш мусобақасида фаол иштирок этаётган республикамиздаги ишчиларнинг юз минг нафардан ортиғи шу кеча-кундузда ўнинчи беш йиллик ҳисобига иш бажармоқда. Улар орасида чўлларни бўстонга айлантираётган, қишлоқ ўрнида шаҳармонанд тўкис посёлкалар бунёд этаётган, янги уй-жой кварталлари барпо қилаётган, улкан корхоналар тиклаб, канал қазиб, сув омборлари яратиб коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишига муносиб ҳисса қўшаётган бинокорлар ҳам кўпчилик эканлиги билан фахрланамиз.

Директива объектларини, ишга туширилдиган муҳим иншоотларни муддатидан илгари фойдаланишга топширишга эришган, қурилиш ишларини тезлаштиришга муваффақ бўлаётган, капитал маблағлар самарадорлигини оширишни таъминлаётган илғор бинокорлик ташкилотларининг ишлари мақтовга лойиқ. Лекин, ҳали ҳам капитал қурилиш ишларида катта камчиликлар борлигидан кўз юмолмаймиз. Давлат капитал қурилиш ишларига йилдан-йилга кўплаб маблағ ажратмоқда. Бироқ, шу маблағлар ҳамиша ҳам белгиланган муддатларда ўз самарасини бермаётганлиги бинокорлик ишларимиздаги энг катта камчиликдир. Планлар тузилаётганда баъзан реал имкониятлар атрофлича ҳисобга олинмайди. Оқибатда қуриладиган объектлар сони кўпайиб кетиб, маблағлар сочиб юборилади. Бунинг натижасида чала қолган объектлар сони кўпаяди. Катта-катта ресурслар бекор-бефойда ётиб қолади. Қурилишларда план-молия интизомини янада мустаҳкамлаш зарур. Самарали янги қурилиш материаллари ва конструкцияларидан кенг фойдаланиш резерларини ишга солиш талаб қилинади. Қурилиш сифатини яхшилаш учун тинмай кураш олиб бориш бинокорлик ташкилотларининг жонажон ишидир.

Янги иншоотлар фойдаланишга топширилганда бинокорлар ўз меҳнат самараларидан завқланадилар, фахрланадилар. Бундай завқ ва фахр табиий. Лекин, баъзи қурилиш ташкилотлари ишига баҳо берилганда процентлар ҳақида гап борадиу-ю, сарфланган капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил этилмайди. Баҳолонки, қурувчи ишига, монтажчи меҳнатига баҳо бера оладиган ягона кўрсаткич бор: у ҳам бўлса бино ва иншоотларнинг тўла ҳажмда ва вақтида ф.тказиб, фойдаланишга топширилишидир.

Аммо республика Маҳаллий саноат министрлигига қарашли корхоналар қурилишида бинокорлик ташкилотлари айби билан капитал маблағлар ўзлаштирилмасдан қолиб кетмоқда. Ана шунинг оқибатида фойдаланишга топширилдиган асосий фондлар ишга тушмай қоляпти. Корхоналар қурилиши учун белгиланган муддатлар чўзиб юборилмоқда. Беш йиллиннинг тўрт йилида марказлаштирилган тартибда ажратилган капитал маблағларнинг атиги 81 проценти ўзлаштирилди. Шу йилнинг биринчи ярмида эса бундай маблағларни ўзлаштириш 82 процентдан ортмади. Тўрт йил мобайнида пудрат ташкилотлари томонидан 29,7 процент ҳажмдаги капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Якунловчи йилнинг олти ойида эса йиллик планга нисбатан 32 процент капитал маблағ ўзлаштирилганлигига нима деб баҳо бериш мумкин.

Капитал маблағларнинг самарадорлиги учун қурашмаслик маҳаллий саноат корхоналари қурилишининг чўзилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон ССР Қурилиш, Қишлоқ қурилиши, Монтаж ва махсус қурилишлар ишлари министрликлари, «Главташкентстрой»га қарашли бинокорлик ташкилотларининг капитал маблағлар самарадорлигини оширишга бефарқ қараши туфайли ишга туширилаётган тўққизта объектда ишлар кўнгилдагидек эмас. Андижон бадиий буюмлар фабрикаси биринчи кварталда маҳсулот ишлаб чиқариши керак эди. Қурувчилар бу муддатни ҳам барбод бердилар. Самарқанд тикувчилик фабрикаси бир йил ўрнига етти йилдан бери қурилмоқда.

Беш йиллигимиз якунланиш босқичига кирди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида қилинган ишлар ҳисоб-китоб қилинмоқда. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бинокорлик ташкилотларида капитал маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни чуқур таҳлил қилишлари, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб, партия XXV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли адо этилишини таъминлашга эришишлари лозим.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

1975 йилда пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планларини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Сурхондарё областидаги **Сариосиё район**—район партия комитетининг секретари ўрток **Меҳлиев**, район ижроия комитети раиси вазифасини ижро этувчи ўрток **Рамазонов**, район ижроия комитети район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток **Еремеев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток **Мансуров**, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток **Юнусов**, район комсомол комитетининг секретари ўрток **Аседов**.

Фарғона областидаги **Ленинград район** — район партия комитетининг секретари ўрток **Марасулов**, район ижроия комитетининг раиси ўрток **Исмоилов**, район ижроия комитети район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток **Мамажонов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток **Ниёзов**, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток **Умаров**, район комсомол комитетининг секретари ўрток **Ашуров**.

Тошкент областидаги **Янгийўл район** — район партия комитетининг секретари ўрток **Олимов**, район ижроия комитетининг раиси ўрток **Ортиқхўжаев**, район ижроия комитети район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток **Еремеев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток **Мансуров**, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток **Юнусов**, район комсомол комитетининг секретари ўрток **Аседов**.

СССР—ФРАНЦИЯ: ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

14 октябрда Кремлда Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ва А. А. Громиконинг Франция Президенти В. Жискар д' Эстэн билан музокаралари бошланди.

Музокараларда асосий эътибор Совет—Франция муносабатларига қаратилди. Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг туб масалалари муҳокама қилинган вақтда ҳар икки мамлакат халқларининг, халқаро тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб бу ҳамкорликни ривожлантириш йўли таъкидлаб ўтилди. Бу йўл қўшма ҳужжатларда белгилаб берилган эди. СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принциплари ва маслаҳатлашиб туриш ҳақидаги Совет—Франция протоколи бу ҳужжатларнинг энг муҳимидир. Томонлар кўрсатиб берилган асосда турли соҳаларда Совет—Франция ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд эканлигини якдиллик билан қайд қилдилар.

Халқаро масалалар муҳокама қилинган вақтда томонлар хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Хельсинки кенгашининг муваффақиятли тугалланганлиги Европа ва жаҳон сиёсатида янги қулай имкониятлар очиб беришига, кенгаш қатнашчилари ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар вужудга келтиришига ишонганликларини изҳор қилдилар.

Музокаралар дўстона ва ишчанлик вазиятида ўтмоқда.

(ТАСС).

Суратда: музокаралар пайти.

ТАСС фотохроникаси.

ОЛИЙ МАРТАБАЛИ МЕҲМОН ШАРАФИГА

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 14 октябрда Катта Кремль саройида Франция Республикасининг Президенти Валери Жискар д' Эстан шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда Франция Республикасининг бошлиғи ва унинг рафиқаси билан бирга Франциянинг Совет Иттифоқига келган давлат арбоблари, шунингдек Франциянинг СССРдаги элчиси Жак Вимон ҳам бор эди.

Совет томонидан Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг Раислари, СССР министрлари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам Президент жаноблари!

Муҳтарама Жискар Д'Эстэн хоним!

Муҳтарам меҳмонлар!

Ўртоқлар!

Биз сизни, дўст Франциянинг Президентини Совет Иттифоқининг меҳмони сифатида табриклаётганимиздан хурсандмиз.

Совет-Франция олий даражадаги учрашувлари ҳамиша катта сиёсий мазмунга тўлиқ бўлиб келган, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар сафар олга силжитган. Президент жаноблари, сиз билан бу галги учрашув Умумевропа кенгашининг муваффақияти Европа ва жаҳон сиёсатида янги уфқлар очаётган бир пайтда алоҳида мазмун касб этади.

Бундан деярли ўн йил муқаддам генерал де Голль билан бизнинг ўртамиздаги музокараларда кенг халқаро кўламдаги совет-француз яқинлашувининг аҳамиятини белгилаб берган энг асосий қоида кўрсатиб ўтилган эди. Ушанда Совет Иттифоқи билан Франция ўз миллий манфаатларига ва тинчлик тақдири учун бўлган юксак масъулиятга асосланиб Европа хавфсизлиги ва халқаро хавфсизликнинг туб проблемаларини ўзларининг икки ўртадаги муносабатларига негиз қилиб қўйдилар деб белгилаб қўйилган эди. Шундан кейин бу проблемалар бизнинг президент Ж. Помпиду билан ўтказган музокараларимизнинг ва сиз Жискар Д'Эстэн жаноблари билан бултур декабрда Рамбуйеда учрашган пайтимизда ўтказган музокараларимизнинг марказига доимо қўйиб келинди.

Замон холис ҳакамдир. Шу ҳакам ўз ҳукмини чиқарди: Совет Иттифоқи билан Франция ўртага қўйган ҳамкорлик мақсадлари ҳозирги замон амри билан, кўп халқларнинг муддаолари билан ҳамоҳанг бўлиб чиқди.

Совет-француз муносабатларидаги ҳар бир янги катта воқеа вақтида иккала мамлакатнинг яқинлашиш ва ҳамжиҳатлик йўлидан олға боришига интилишига озиқ бераётган манба нима?—деган фикр беихтиёр ҳаёлга келади. Бу манба аввало, совет ва француз халқларининг дўстлик анъаналари, десам сиз, Президент жаноблари, ҳойнаҳой менинг фикримга қўшиларсиз. Бу дўстлик тарихнинг ҳал қилувчи пайтларида оғир синовлардан ўтди.

Менинг шахсий таассуротларим, сизнинг мамлакатингизда бўлган ўртоқларимнинг таассуротлари шуки, француслар Совет Иттифоқининг, совет халқининг халқаро ишлардаги тинчлик ролини яхши тушунадилар. Совет Иттифоқидагилар ҳам ўз навбатида Франция, француз халқи тинчлик муддаоси билан яшаётганлигига ишонадилар. Бундай ўзаро ишонч совет-француз ҳамкорлигини ривожлантиришнинг ҳозирги ва келгусидаги мустаҳкам пойдеворидир.

Бу ҳамкорликнинг кучли жиҳати шуки, у иккала мамлакат халқларининг бир бирларига дўстлик туйғулари ва ҳайрихоҳликлари билан бирга, сиёсий, давлат реализми руҳи билан суғорилган. Бу ўринда мен, аввало, шу фактни назарда тутаманки, иккала мамлакатимиз ўз сиёсатида Европада урушдан кейин вужудга келган ҳолатни тан олишга, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши зарурлигига, ички ишларга аралашишга йўл қўйиб бўлмаслиққа асосланадилар. Бинобарин, айни совет—француз ҳамкорлиги жараёнида юзага келган кўпгина яхши ишлар сўнгра анча кенг халқаро практикага сингиб кетганлиги мутлақо қонуний бир ҳолдир.

Халқаро ишларда ўн йилни оз деса ҳам, кўп деса ҳам бўлади. Тарих нуқтаи назаридан олганда, ўн йил оз муддат. Агар кескинликни юмшатиш ва тинчлик йўлида сарфланган куч-ғайратларнинг маъмуасини мезон қилиб олинса, шу давр ичида қилишга муваффақ бўлинган ҳамма яхшиликлар қамраб олинса, буни кўп дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, давлатларнинг ўзаро муносабатларида, умумий сиёсий муҳитда кенг жамоат доираларининг кайфиятларида катта ижобий силжишлар содир бўлганлиги равшан.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда бу нарса айниқса яққол намоён бўлди. Худди шу кенгаш чинакам тарихий қўламдаги вазифаларни белгилаб берди. Ҳозирги Европа реалликларини шубҳа остига қўймоқчи бўлганлар учун ҳеч қандай замин қолдирилмади. Булар — территориал реаллиқлар, урушдан кейинги ривожланиш реалликлари, кескинликни юмшатиш реалликларидир. Халқлар тинчлиги ва тараққиётининг олижаноб мақсадлари йўлидаги ҳамкорликнинг кенг программаси ишлаб чиқилди.

Эришилган аҳдномаларни амалга ошириш учун кенгашда қатнашган давлатлар зиммасига тушадиган масъулиятсизлик билан менга, Хельсинкида бир стол атрофида ўтириб, кенгашнинг Якунловчи актини имзолаган барча кишиларга ҳар қандай кишидан кўра ҳам равшанроқ, деб ўйлайман. Давлатлар ўртасидаги муносабатларни Хельсинкида тасдиқланган принципларга мувофиқ янада қайта қуриш, иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни кенгайтириш, маданият, маориф, аҳборот соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш, одамлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш — буларнинг ҳаммаси куч-ғайрат сарфлашни, ҳамма томонларнинг доимий куч-ғайрат сарфлашини талаб қилади, албатта.

(Давоми иккинчи бетда).

ИККИ РАЙОН РАПОРТИ

Фарғона областидаги Ленинград районининг пахтакорлари 1975 йил ва умуман тўққизинчи беш йиллик учун зиммаларига олган юксак мажбуриятларини бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини областда биринчи бўлиб муддатидан илгари, 15 октябрда бажардилар. Улар пахта тайёрлаш беш йиллик планини 113 процент қилиб адо этдилар.

Мавсум бошидан буён давлатга 36,1 минг тонна юқори сифатли пахта сотилди.

Райондаги илғор хўжаликлар — Охунбобоев номли ва Энгельс номли колхозлар, Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз ва бошқа хўжаликлар пахта тайёрлаш планининг муддатидан илгари бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Мавсумда 240 тонна пахта терган Ленин номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Дилором Қодирова, 180 тоннадан ортиқ пахта терган Энгельс номли колхозининг механик-ҳайдовчилари Маҳбуба Насриддинова билан Жума Комиловлар термм машиналари механик-ҳайдовчиларининг мусобақасига бошчилик қилмоқдалар.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бу йил ялпи пахта ҳосилини 48 минг тоннага етказишга, пландан ташқари давлатга 11,9 минг тонна пахта сотишга, ҳар гектар ердан 38 центнер хирмон кўтаришга, барча қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириб олишни қисқа муддатларда тугаллашга ҳамда 1976 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни энг яхши агротехника муддатларида ўтказишга қарор қилдилар.

* * *

КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошираётган Янгийўл райони меҳнаткашлари ажойиб зафарни қўлга киритдилар. Улар давлатга пахта сотиш бўйича беш йиллик планни муддатидан илгари 113,6 процент қилиб бажардилар. Шунингдек, тўққизинчи беш йиллиннинг якунловчи йили халқ хўжалиги плани ҳам ортиғи билан адо этилди.

Она-Ватан янгийўлликлардан 32 минг 322 тонна «оқ олтин»ни қабул қилиб олди. Ана шу пахтанинг 11 минг тоннадан ортиғи юқори сифатли уруғлик пахтадир. Ҳар гектар ердан 28,9 центнердан пахта олинди. «Зангори кема»лар ёрдамида 14 минг тоннадан зиёд ҳосил терилди.

Халқ хўжалиги планининг муваффақиятли бажарилишида «Коммунизм», Н. Ниёзов номли, «Ленинизм», Ленин номли, «Интернационал» колхозлари ҳиссаси катта бўлди. Бу хўжаликлар ҳар гектар ердан 34-38 центнердан «оқ олтин» олишди.

Район хўжаликларида давлатга пахта топириш қизғин давом этмоқда. Пахтакорлар ҳосилдорликни 37 центнерга етказиб, пландан ташқари яна 10 минг тонна пахта сотишга қарор қилдилар.

Янгийўл райони бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича план топшириқларини муваффақиятли бажарди. Ҳозир асосий диққат-эътибор мажбурият марраси муваффақиятли эгаллаш, кузги-қишки агротехника ишларини ўз муддатида тугатишга қаратилган.

1975 5.200.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борили тўғрисида шу йил 15 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада: бир кунда	шу жумладан машинада: мавсум бошидан
Андижон	1,61	96,78	2,30	76,02
Тошкент	2,43	94,47	2,44	96,04*)
ҚҚ АССР	1,95	87,46	2,66	68,10
Сирдарё	3,00	86,10	3,05	92,27
Фарғона	1,67	85,55	2,20	56,71
Сурхондарё	1,70	84,70	1,46	80,19
Наманган	1,90	83,40	2,13	70,12
Қашқадарё	1,21	80,24	1,18	50,33
Хоразм	1,67	79,09	1,44	42,21
Жиззах	2,00	75,24	1,44	70,19
Самарқанд	1,80	71,73	1,63	43,55
Бухоро	0,89	61,25	0,48	13,30
Республика бўйича:	1,75	82,20	1,89	63,62*)
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Наманган	3,75	127,05		
Бухоро	0,86	78,08		
Сурхондарё	2,08	72,93		
Қашқадарё	1,38	62,00		
Республика бўйича:	1,89	72,13		

*) Маълумот аниқланган.

МИНИСТРЛАР УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко Москвада меҳмон бўлиб турган Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси, САР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри А. Ҳ. Ҳаддам ва Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси, САР мудофаа министри М. Тлас билан учрашдилар.

Бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида министрлар Совет Иттифоқи билан Сурия Араб Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир баъзи масалалар юзасидан, шунингдек Яқин Шарқдаги можарони бартараф этиш проблемаси юзасидан фикрлашиб олдилар.

Суҳбатлар дўстона амалий вазиятда ўтди.

А. Ҳ. Ҳаддам билан М. Тлас 15 октябрь куни Москвадан ватанига жўнаб кетдилар. Аэродромда уларни А. А. Громико, А. А. Гречко ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ОЛИЙ МАРТАБАЛИ МЕҲМОН ШАРАФИГА

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Кескинликни юмшатишни моддийлаштириш ҳозир халқаро турмушнинг энг зарур талаби бўлиб қолмоқда. Назаримизда, бизнинг мамлакатларимиз, халқларимиз шу мақсадга эришишга актив кўмаклаша оладилар. Сиёсий ва давлат арбоблари ўртасидаги алоқаларнинг амалий, конструктив характерда эканлиги, мунтазам маслаҳатлашиб турилганлиги, иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб бораётганлиги, хилма-хил қўшма илмий-техникавий лойиҳалар, шу жумладан, инсон билимининг энг илғор соҳаларидаги лойиҳалар, маданий алоқалар кенг кўлам касб этганлиги. — шуларнинг ҳаммаси кейинги йиллардаги ишларнинг сезиларли самараларидир. Шу билан бирга, совет-француз муносабатларини янада кенгайтириш ва бойитиш учун ҳали фойдаланилмаган имконият борлиги шубҳасиз. Бинобарин, биз совет-француз ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш, бу ҳамкорликка аҳолининг тобора кенг қатламларини жалб этиш совет ва француз халқларига мансуб бўлиб тушишига аминмиз.

Кескинликни юмшатишни ҳарбий соҳага ҳам ўтказмай туриб, кескинликни юмшатишни моддийлаштириб бўлмаслиги равшан. Назаримда эндиликда бунинг учун анча қулай шароитлар вужудга келди.

Европада ҳарбий қарама-қаршиликни камайтириш, қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш халқаро турмушнинг шундай бир соҳасидирки, ҳозир бу соҳада давлатларнинг холис ниятлари ва ташаббус кўрсатиши айниқса заруридир. Давлатларнинг оммавий қирғин қуролининг янги турларини, шу қуролнинг янги системаларини вужудга келтирмаслик тўғрисида қаттиқ мажбурият олишини кўзда тутувчи кенг халқаро битимга эришиш тобора кўп актуаллик касб этаётганлигига бизнинг ишончимиз комил. Ҳаётнинг ўзи давлатларни ҳамма халқлар учун ҳаётий муҳим бўлган шу вазифаларни ҳал этишда ўз ролини белгилаб олиш заруратининг олдига келтириб қўймоқда.

Президент жаноблари, биз ҳамиша Франция сиёсатининг кучи унинг мустақиллигидадир, деб ҳисоблаб келганмиз. Мустақил Франция халқаро тинчликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиши мумкин. Совет Иттифоқи Франция билан дўстлик ва ҳамкорлик учун очиқдир.

Ўз-ўзидан равшанки, турли социал-иқтисодий системаларга, турли идеологияларга мансуб давлатларнинг ҳамкорлиги давомида ана шу синфий тафовутлардан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятлар барҳам топиши мумкин эмас. Мамлакатларнинг ҳар бири ўз тузуми, ўзининг халқаро алоқалари асосида тушунадиган ва ўзича ҳал этадиган проблемаларга умумий ёндашиши ўзгариб қолиши мумкин, деб ўйлаш хом хаёл эканлиги турган гап.

Халқаро кескинликни юмшатиш ғоялар курашини мутлақо бекор қилмайди. Бу кураш —объектив ходисадир.

Айни вақтда Совет Иттифоқи билан Франция, иккала мамлакатимизнинг халқлари мутлақо реал кенг ўзаро манфаатларга эга эканликлари шубҳасиз. СССР билан Франция ўз дўстлиги ва ҳамкорлиги туфайли Европага ва дунёга кўп фойда келтирдилар ва иккала томонининг хоҳиши бўлган тақдирда бундан ҳам кўпроқ фойда келтиришлари мумкин. Аслида масала ҳозир иккала мамлакат кескинликни юмшатиш ва тинчлик жабҳасидаги ўз ҳаракатларини ривожлантириш ва кучайтириш орқали ўзлари учун ва бошқалар учун ҳозирги босқичда қандай янги ва жозибали нарса берадилар? Улар ўзларининг икки томонлама муносабатларини қандай янгилик билан бойитадилар, деган тарзда турибди.

Бу саволларга собитқадамлик билан биргаликда қилинган изланишгина конкрет жавоб бериши мумкин. Ўзаро манфаатларни инобатга олиш, совет-француз муносабатларини ривожлантиришда орттирилган тажриба бу изланишни самарали қилади, деб ўйлаш истайман.

Бизнинг музокараларимиз ва уларнинг натижалари мамлакатларимизнинг халқларига, тинчлик, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва кескинликни юмшатиш манфаатларини қадрловчи ҳаммага мамнуният бахш этадиган бўлсин.

СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланиши ва дўстликнинг мустаҳкамланиши учун!

Халқаро тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлидаги шу олижаноб жабҳада биргаликдаги ижодий изланишимиз учун!

Сизнинг, Президент жаноблари, соғлигингиз учун!

Жискар д'Эстэн хонимнинг ва барча француз меҳмонларнинг соғлиги учун!

Француз халқининг осойишталиги ва бахт-саодати учун! — қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсизлар.

* * *

Шундан кейин Франция Президенти Валери Жискар д' Эстэн нутқ сўзлади.

В. Жискар д'ЭСТЭН нутқи

Бош секретарь жаноблари!

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси жаноблари!

СССР Министрлар Советининг Раиси жаноблари!

Жаноблар!

Мен аввало, Совет Иттифоқига келган пайтимизданоқ бизни — Жискар д' Эстэн хонимни ва мени кутиб олганлигингиз учун ҳамда Сиз Франция ва француз халқи шаънига айтган гапларингиз учун сизларга таҳаккур изҳор қилишни истайман.

Мен сизнинг мамлакатингизга биринчи марта келаётганим йўқ. Аммо мен Франция Республикасининг Президенти сифатида, ўзим бутун француз халқи номидан бу ерга расмий суратда биринчи марта сафар қилаяпман. Мен генерал де Голлнинг 1966 йилда қилган унутилмас визитидан кейин ва мендан аввали Президент Помпидунинг 1970 йилдаги визитидан кейин визит билан келдим. Бу визит дўстлигимизнинг доимийлигини, ҳамкорликка интилишимизнинг доимийлигини исбот қилади. Бу визит ҳар икки мамлакатимизнинг иноқлиги Европадаги мувозанатнинг асосий талабига ва тинчлик талабига мос эканлиги ҳақидаги шахсий ишончимни ҳам тасдиқлайди.

Франция билан Совет Иттифоқи кўп жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг миқёслари турлича эканлиги, уларнинг бир-биридан ажратиб турган масофа, традицияларнинг хилма-хиллиги, уларнинг турли сиёсий ва социал режимларни танлаб олганлиги — буларнинг ҳаммаси уларни бир-бирига бегона қилиб қўядиган омиллар бўлиши мумкин эди. Лекин тажриба бундай ҳоллар рўй бермаганлигини кўрсатиб турибди.

Бунинг аксича, бу мамлакатлар маданиятининг бойлиги улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро самимий ҳайрихоҳликни кучайтираверди, шу тарика кучайтиравердики, бу ҳол уларнинг ўзларига хос нарсаларга ҳеч қачон салбий таъсир кўрсатмади. Бу мамлакатлар хавфсизлигининг талаблари уларни шу аср мобайнида ялпи нажот учун бир томонда туриб жанг қилишга ва ўз халқларини гитлерчилар агрессияси дучор қилган оғир машаққатларни биргаликда бошидан кечиришга мажбур этди.

Ана шу ўзаро манфаатдорликни ва ўзаро иззат-ҳурматни акс эттирадиган ёдгорликлар ва далиллар кўп. Мен энг атоқли ёзувчиларингиздан бири, айни вақтда жаҳоннинг энг пешқадам ёзувчиларидан бирига қойил қолганлигимни изҳор қилиш имконияти берилганлигидан ҳурсандман. Кўпгина ватандошларим ҳам бу ҳурсандчиликни мен билан баҳам кўрмоқдалар. Мен Бородино жанг майдонини кўришни истаганимда, бунинг боиси шуки, Толстой машҳур романида тасвирлаган асосий воқеа худди шу ерда бўлган эди. Бунинг боиси яна шуки, Толстой каби мен ҳам ана шу қовли тўқнашув иккинчи ўртада адоват вужудга келтириш ўрнига иккки халқнинг ўз мардлиги ва юксак ватанпарварлигидан ўзаро мамнуният туйғуларини яратди, деб ҳисоблайман.

Франция—Совет ҳамкорлигининг зарурлиги ўтмиш хотираларидан кўра ҳозирги кунинг ва келажакнинг талабларига кўпроқ мос бўлиб тушади.

Парчалаб ташланган Европада кейинги уруш тамом бўлиши билан Франция ва Совет Иттифоқи масофа жиҳатидангина эмас, уларнинг ўзлари қабул қилган энг муҳим қарорлар туфайли ҳам бир-биридан ажралиб қолган эди. Улар ўзларини бир-биридан ажралиб қолиб, эҳтимол, бир-бири билан тўқнашиш пайти ҳам келиб қолур, деб ҳисоблашларига ҳамма асослар бор эди. Аммо бу сафар ҳам уларнинг тинчлиги ҳимоя қилиш йўлидаги муштарак интилиши уларни кескинликни юмшатиш, иноқлик ва ҳамкорлик йўлидан биринчи бўлиб олга боришга ундади.

Улар ўз зиммаларига тегишли мажбуриятлар олиб ва бу мажбуриятларни тантанали битим билан мустаҳкамлаган пайтга яқинда роса ўн йил тўлади. Генерал де Голль бу битимни шу ерда имзолаган эди. Биз эндиликда босиб ўтилган йўлга баҳо бера оламиз.

Бизнинг икки томонлама муносабатларимизда савдо сотиғимизнинг ҳажми тўрт барвар кўпаяжагини, олларимиз ўзаро маҳкам ҳамкорлик воситалари билан боғланганлигини, совет ракеталари Франциянинг сунъий йўлдошларини орбитага чиқаражакларини, ҳар иккала давлатимиз олий раҳбарлари ўртасидаги учрашувлар доимий практика бўлиб қолишини бундан ўн йил муқаддам ҳеч ким тасаввур эта олмас эди.

Аммо Европадаги эволюция давом эта борган сари Совет Иттифоқи билан Франция социал ва сиёсий соҳалардаги концепцияларининг бир-биридан фарқ қилиши товар айрибошлашни ривожлантиришга ҳам, ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам тўсқинлик қилмаслигини биринчи бўлиб исботлаб бердилар. Улар бу соҳада пешқадам бўлдилар. Аммо бу мамлакатлар ҳозирги вақтда ёлғиз эмасликларидан ҳурсанддирлар. Бунинг боиси шуки, бошқалар ҳам улардан ўрнак олдилар ва бунинг натижасида Европа муносабатларидаги иқлим ўзгарди.

Биз — Брежнев жаноблари ва мен — Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи босқичини ўз иштирокимиз билан мустаҳкамлаш учун Европадаги мамлакатлар ва Шимолий Америкадаги давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларидан 35 киши қаторида Хельсинкида учрашган вақтимизда буни исбот этадиган далилларга эга бўлдик Франция билан Совет Иттифоқининг бундан мамнун бўлишлари учун ҳамма асослар бор. Бунинг боиси шуки, улар энг бошланоқ бу тадбирнинг муваффақият қозонишига ҳалақит берган ғовларни йўқотишга биргаликда ёрдам бердилар. Мен сизга Рамбуйеда шу ҳақда гапирган эдим. Бунинг боиси шуки, улар кенгаш натижасида тузилган битимларда ўз муносабатларига асос бўлган руҳни кўриб турибдилар. Бош секретарь жаноблари, сизнинг ўша вақтда Хельсинкида сўзлаган жуда муҳим нутқингизни зўр иштиёқ билан тинглаганлигимни сизларга айтиб беришга ижозат бергайсиз.

Биз бу билан чекланиб қолишимиз керак ва Франция—Совет ҳамкорлиги ўзининг ҳамма имкониятларидан фойдаланиб бўлди, деб айтиш мумкинми? Бунинг аксича, мен ҳали кўп нарсани чуқурлаштиришимиз, тўлдиришимиз ва кенгайтиришимиз лозим эканлигини сизларга айтиш учун бу ерга келдим.

Биринчидан, муносабатларни чуқурлаштириш керак, бунинг боиси шуки, кўп соҳалардаги муносабатларимизни ривожлантириш талаб этилади. Мен Брежнев жаноблари билан олиб борадиган музокаралар, менга ҳамроҳ бўлган министрларнинг совет министрлари билан мулоқатлари, менинг визитим охирида биз имзолайдиган битимлар янги натижаларга эришиш, янги йўллар очиш, янги мақсадларни белгилаш, жумладан, иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги янги йўлларни белгилаш имконини беради. Мен бунга аминман. Мен иқтисодий ҳамкорлик жуда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Иккинчидан, муносабатларни тўлдириш керак. Бунинг боиси шуки, Хельсинкида биз қабул қилган ҳужжат кескинликни юмшатиш принципларини белгилаш билан чекланиб қолмади; бу ҳужжат Европа давлатлари томонидан амалга ошириладиган программани ҳам белгилаб берди ва бу программани бажариш устидан назорат қилиш муддатларини белгилаб берди. Мен Хельсинкида айтиб ўтганимдек, Франция кенгашнинг якунловчи актидаги қоидаларни амалга ошириш ниятидадир ва у шу мақсадга эришиш учун барча зарур битимларни тузишга тайёрдир. Мен, Совет Иттифоқи ҳам бу соҳада эўр қатъият билан иш кўришига аминман ва ҳар иккала мамлакатимиз гоят самарали тарзда кўмаклашиб белгилаган йўлни биргаликда очиб беришларини истайман.

Ва, ниҳоят, муносабатларни кенгайтириш керак. Бунинг боиси шуки, бизнинг ҳамкорлигимиз ўзларининг икки томонлама муносабатларини чуқурлаштириш ва Европада кескинликни юмшатишни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш билан чекланиб қолмаслиги керак, ўтмишда ҳам шу билан чекланиб қолмаслик керак эди. Франция ва Совет Иттифоқи зиммасига юкланган масъулият туфайли улар бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида ўз ролларини бажаришлари керак. Бу эса ҳамма жойда тинчликка таҳдид қилаётган можароларни (мен бунда жумладан, Яқин Шарқдаги можаронн назарда тутаман) бартараф қилишни енгиллаштириш учунгина эмас, балки яшаб турган, адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун ҳам ўз ҳаттиҳаракатимизни янада барқарор тарзда мувофиқлаштириб олиб боришимиз лозим эканлигини кўзда тутади.

Шу нуқтан-назардан олиб қараганда, давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларда кескинликни юмшатишни лозим бўлган пайтда иккн йўналишда давом эттириш айни муддаодир: қуролланиш соҳасида кескинликни юмшатиш — жаҳон миқёсидагина тегишли даражада амалга оширилиши мумкин. Бунда самарали назорат ўрнатиш ва тегишли мамлакатларнинг ўз хавфсизлигини мустақил равишда таъминлаш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш шарт; идеология соҳасидаги мусобақада кескинликни юмшатиш керак, токи халқларнинг характери ва объектив омиллар туфайли турли иқтисодий ва ижтимоий системалар ўртасидаги мусобақа кескинликни ҳаддан ташқари қучайтириб юбормасин. Худди шундай шароитлардагина кескинликнинг юмшатилиши дастлаб Европадаги муносабатларни яхшилаш мақсадидаги маҳаллий ташаббус самарали бўлганидан кейин халқларнинг озодлигига, ўзаро сабр-тоқат кўрсатишга, адолат ва тинчликка интилаётган бутун жаҳондаги муносабатларда аста-секин умумий қонда бўлиб қолиши мумкин.

Мен бу программани эълон қилиш билан унинг жуда катта миқёсларини яхши тушуниб турибман, аммо 10 йил ичида биргаликда қўлга киритган ютуқларимизнинг муҳимлиги ва Рамбуйедаги учрашув вақтидан буён Брежнев жаноблари билан менинг ўртамдаги мавжуд алоқаларнинг даражаси бу программа вамонамизнинг талабларига муносиб эканлигига ва биз кучгайратимизни биргаликда шунга сарф қила олишимизга ишончимни оширади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Брежнев жанобларининг бахти ва сиҳат-саломатлиги учун, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Подгорний жанобларининг бахти ва сиҳат-саломатлиги учун, СССР Министрлар Советининг Раиси Косигин жанобларининг бахти ва сиҳат-саломатлиги учун, шу ерда ҳозир бўлган барча совет намояндаларининг бахти ва сиҳат-саломатлиги учун, Брежнева хонимнинг шарафи учун, бепоён Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг осойишталиги ва бахт-саодати учун, шунингдек истиқбол учун, ҳар икки мамлакатимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

* * *

Л. И. Брежнев ва В. Жискар д' Эстэннинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ИЛҒОРЛАР

Партиямизнинг XXV съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш, беш йилликни муваффақиятли якунлаш ҳар бир завод, фабрика ва корхонанинг шу кундаги бирдан-бир мақсадидир. Тошкентдаги «Миконд» заводининг илғор коллективи ҳам шу ният, шу мақсад йўлида ғайрат билан меҳнат қиляпти. Улар социалистик мусобақани янада кенгайтириб, тўққизинчи беш йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш планини 29 апрелдаёқ шараф билан уддаласан эдилар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қоридан сўнг бор имконият ва режалар қайтадан кўриб чиқилди. Коллектив якунловчи йилда яна ўн минглаб сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

Социалистик мусобақа тўғри ташкил этилганлиги, илғорлар ташаббуси ва тажрибаси қўллаб-қувватланиб кенг ёйилганлиги туфайли ярим йиллик план 25 июнда бажарилиб, пландан ташқари ўн минглаб сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Учинчи квартал плани эса ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 103 процент, маҳсулот реализация қилиш бўйича 101.3 процент бажарилди.

Корхонада 1630 нафар коммунистик меҳнат зарбдори, 29 та коммунистик меҳнат бригадаси бор. Хамма ишчилар 10 июлдан бошлаб КПСС XXV съезди шарафига меҳнат вахтасида ишламоқдалар. Ю. Шукуров, В. Юсупалиев, С. Пушкарев, П. Денисенко, Н. Знёвуддинов, Л. Киселев каби пешқадамлар шу кунгача шахсий икки беш йиллик планларини бажариб қўйдилар.

А. ҚОРЖОВОВ.

ДОН—ДАВЛАТГА!

Республикамиз областларида дон тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 15 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён топширилган дон; учинчи устун — бир кунда (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	108,5	2,5
АНДИЖОН	105,2	—
САМАРҚАНД	100,2	—
Фарғона	92,9	—
Сурхондарё	86,1	1,5
Қашқадарё	74,2	0,1
Наманган	66,6	0,1
Хоразм	63,7	2,4
ҚҚ АССР	62,7	1,9
Сирдарё	61,3	0,2
Жиззах	36,3	—
Бухоро	34,5	0,8
Республика бўйича:	72,4	1,0

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ АМЕРИКАДА

ВАШИНГТОН, 14 октябрь (ТАСС). АҚШ бўйлаб сафар қилиб юрган совет космонавтлари А. Леонов ва В. Кубасовни президент Ж. Форд Оқ уйда қабул қилди. Учрашувда уларнинг «Союз» ва «Аполлон» кемаларида бирга учишган шериклари —американлик астронавтлар Т. Стаффорд, Д. Слейтон ва В. Бранд, шунингдек аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш бошқармасининг директори Ж. Флетчер, Совет делегациясининг раҳбари генерал-лейтенант В. А. Шаталов, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, космонавтларнинг оила аъзолари ҳозир бўлдилар.

Президент Ж. Форд Совет—Америка қўшма космик парвозининг қатнашчиларини табриклади. Космосдаги қўл олишув катта, шонли аҳамиятга эга бўлади, деб таъкидлади у. Бу қўл олишув АҚШ билан СССР халқлари ва ҳукуматлари ҳамкорлик шароитида нималар қилишлари мумкинлигини намойиш қилиб кўрсатган тадбирга уч йил мобайнида тайёргарлик кўрган минг-минглаб одамлар, техника мутахассисларининг меҳнати туфайли содир бўлди.

Ж. Форд ишонч билдириб айтдики, «Союз»—«Аполлон» программаси кенгайтирилган асосда космос ва фан соҳасидагина эмас, шу билан бирга бошқа кўпгина соҳаларда ҳам нималарга эришиш мумкинлигининг даракчиси бўлади.

Совет ва Америка космик кемаларининг экипажлари космосда учириладиган кемаларнинг биринчи халқаро туташувига бағишланган эсдалик тортиқ қилдилар.

Совет «Союз» кемасининг командири А. Леонов бундай деди: мен билан В. Кубасов КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг шахсий мактубини АҚШ Президентига топшириш ёки юксак шарафга муяссармиз. Президент Ж. Форд Л. И. Брежневнинг мактубини миннатдорчилик билан қабул қилди.

Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармасида Совет ва Америка «Союз»—«Аполлон» программасига мувофиқ ўтказилган қўшма космик эксперимент қатнашчиларининг матбуот конференцияси бўлди.

«Союз»—«Аполлон» программаси муваффақиятли бажарилганлигидан биз гоят хурсандмиз, — деди А. Леонов. Бизнинг экспериментимиз космосдаги Совет—Америка қўшма ҳамкорлигининг дебочасигина бўлганига ҳаммамиз аминмиз.

«Аполлон» командири Т. Стаффорд ўз шериклари —американлик астронавтлар номидан АҚШга холис ният жавоб визити билан келган «Союз» экипажини табриклади. Биз яқиндагина Совет Иттифоқи бўйлаб қилинган ажойиб сафардан қайтиб келдик. У ерда бизга беғиҳоя зўр иззат-икром кўрсатилди, деди у.

СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин совет космонавтларининг АҚШда бўлиши муносабати билан қабул маросими ўтказди.

УЗБЕКИСТОНЛИК меҳмонлар Швецияда

СТОКГОЛЬМ, 15 октябрь. (ТАСС). Узбекистон ССР Министрлар Советининг нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси, Узбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев бошчилигидаги Совет Узбекистони делегацияси анъанавий Совет Иттифоқи кунлари байрамида қатнашиш учун бу ерга келди. Арланда аэропортида меҳмонларни СССРнинг Швециядаги элчиси М. Д. Яковлев, «Швеция—Совет Иттифоқи» жамиятлари иттифоқи правлениесининг аъзолари, Стокгольм муниципалитети ва жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

Делегация Швеция диёрида бўлишининг биринчи куниёқ Швеция муниципалитети ва маданият ходимлари билан учрашди ва Стокгольм марказидаги маданият уйида бўлди. Совет меҳмонларининг бугунги программасига мувофиқ Швеция маориф министрлигининг ходимлари билан учрашув бўлади, «Швеция—Совет Иттифоқи» жамиятлари иттифоқи томонидан уюштириладиган жамоатчилик йиғилишида иштирок этади.

Бу ерда Совет Иттифоқи кунларини ўтказиш анъана бўлиб қолган. Бу байрам ҳар йили «Швеция—Совет Иттифоқи» жамиятлари иттифоқининг ташаббуси билан ўтказилади. Швеция аҳолиси ҳар йили иттифоқдош республикалардан бирининг экономикаси, фани, маданияти ва турмуши билан танишади. Бундан илгари Украина, Қозоғистон, Арманистон, Белоруссия, РСФСР ўзининг коммунистик жамият қурилишидаги муваффақиятларини кўрсатган эди. Булгур Латвия ССР вакиллари СССР номидан шу байрамда қатнашдилар. Бу йил Совет Узбекистони шу шарафга муяссар бўлди.

Совет Иттифоқи кунлари расмий равишда 18 октябрь куни Мальме шаҳрида очилади ва 26 октябргача Швециянинг турли шаҳарларида ўтказилади.

Виставкалар, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган давлат халқ ракс ансамбли «Бахор»нинг концертлари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар, лекция ва докладлар Швеция жамоатчилигига Совет Иттифоқи кўп миллатли оиласининг таркибий қисми бўлган ўзбек халқининг турмуши ва маданияти билан яхширок танишиш имконини беради.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ПРАГА. Братислава порти яқинида 90 гектар майдонда катта қурилиш бошлаб юборилди. Бу ерда ЧССРнинг «дарё қопқаси» кенгайтирилмоқда. 1980 йилга бориб порт ҳар йили 54,2 тонна юк ортиб-тушириб оладиган бўлади.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатларда ўқитувчиларнинг оммавий забастовкалари билан бошланган бу йилги ўқув йили ҳамон нормал изга туша олмаяпти. Кеча Юта штатининг Солт-Лей—Сити шаҳридаги муаллимлардан 2400 киши забастовка эълон қилди. Улар қимматчилик сабабли иш ҳақи оширилишини талаб қилмоқдалар.

◆ БАГДОД. Ироқ муниципалитетлар ва қишлоқ районлари министри А. С. Шериф 12-Бағдод халқаро ярмаркасида совет павильонини бориб кўргач, бундай деди: Бу павильонда кўрганларимизнинг ҳаммаси Совет Иттифоқининг индустрия ва қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган катта ютуқларидан даракдир. Ироқ, деди министр, Совет Иттифоқи билан муносабатларни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

◆ ЛУСАКА. Жанубий Африка Республикасидаги Иоганесбургдан 16 километр нарида жойлашган ва динамит ишлаб чиқарувчи жаҳондаги энг катта заводлардан бирида кучли портлаш рўй берди. Информация агентликларининг хабарига кўра, портлаш натижасида беш киши ҳалок бўлган ва 28 киши жиддий жароҳатланган. (ТАСС).

ИҒВОГАРЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ҚОРАЛАНДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакиллиги сионист унсурлар томонидан СССР вакиллиги ҳамда унинг ходимларига қарши иғвогарлик мақсадида душманчилик ҳаракатлари содир бўлаётганлигига АҚШ миссиясининг ҳамда БМТ Бош секретари К. Вальдхаймнинг эътиборини жалб этди.

Бир группа безори сионист унсурлар 8 ва 9 октябрда вакиллик биноси олдида совет вакиллигининг нормал фаолиятига халақит беришга уриниб, Совет Иттифоқига қарши душманчилик намойишини ўтказдилар.

СССР вакиллиги сионистларнинг бундан душманчилик ҳуруҳлари муносабати билан норозилик билдирди ва АҚШ миссиясидан зарур самарали тадбирлар кўришни, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги СССР вакиллигининг хавфсизлигини ҳамда нормал ишлашни таъминлаш учун қатъий чоралар кўришни талаб қилди.

Шаҳарнинг гавжум майдонларидан бири. Бу ерда тумонат одам тўпланган. Кўчадан ўтаётган кишиларнинг чеҳраларида саросималик, ғазаб ва норозилик акс этиб турибди. Бу ғал шаҳарнинг оддий меҳнаткашлари ўз ҳуқуқлари учун курашиш билан бирга ўзларининг синфий биродарлари — антифашист испан дўстларини ҳимоя қилиш ва Испаниядаги сиёсий террорга қарши норозилик билдириш учун шаҳарнинг марказий майдонига йиғилдилар.

Намойишчиларнинг бу ҳаракатларидан чўчиган ва ғазабланган маъмурлар уларга қарши полиция отрядларини юборишга мажбур бўлдилар. Полициячилар билан намойишчилар ўртасидаги тўқнашув гоятда кескин тус олди. Намойишчилар ўзларининг ҳақли талаблари эвазига полициячиларнинг аёвсиз ҳужумларига дуч келишди. Швейцария пойтахти Женева шаҳридаги бир неча юз кишилик катта намойиш зўравонлар томонидан тарқатиб юборилди.

СИНФИЙ КУРАШ ФРОНТЛАРИДА

КЕСКИН ТЎҚНАШУВЛАР

Капиталистик мамлакатларда меҳнаткашлар билан маъмурлар ўртасидаги ана шундай синфий тўқнашувлар тобора кучайиб, кенгайиб бораётганлиги кейинги пайтларда яққол кўзга ташланмоқда. Бу тўқнашувларда баъзи ҳолларда меҳнаткашлар ғалаба қилишга муяссар бўлмоқдалар. Чунончи, Римдан олинган хабарларда «Ханиуэлл» компанияси ишчилари ва хизматчиларининг қарийб етти ой давом этган курашлари ғалаба билан якунланди. Бу компания электрон аппаратларни ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Компания дирекцияси билан металл ишлаш саноати меҳнаткашлари федерацияси ўртасида «Ханиуэлл» заводларида ишчиларни иш билан таъминлашнинг ҳозирги даражасини келаси йил охиригача сақлаб қолишни кўзда тутувчи битимга эришилди.

Америка капитали асосий ўрин эгаллаган кўп миллатли бу компания, деб таъкидлайди «Унита» газетаси, қарийб 3400 кишини ишдан бўшатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилишга ҳамда ишчиларни иш билан таъминлаш кафолатини олишга биринчи марта мажбур бўлди. Бу ғалаба ишчиларнинг бирдамлиги ва жипслиги туфайли қатъият билан қўлга киритилди.

Канадада ҳам ишчилар ўз хўжайинларининг ҳатти-ҳаракатига қарши чиқмоқдалар. Оттавадан олинган хабарга қараганда «Консолидейтед бетхерст» компаниясининг целлюлоза-қоғоз комбинати ишчиларидан яна 350 киши забастовка эълон қилди. Улар нархнаво доимо кўтарилиб бораётганлиги сабабли иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. Ҳозир Канаданинг турли шаҳарларида қоғоз саноати ишчилари бирлашган касаба союзи аъзоларидан 24 мингдан кўпроқ киши иш ташламоқда. Забастовка натижасида Канадада яқинда бир кунлик газета қоғоз ишлаб чиқариш камайиб кетганлиги сабабли чиқмай қолди.

Бельгия дарёчиларининг забастовкаси бир неча ҳафтадан бери давом этиб келмоқда. Булар меҳнат шароити яхшиланишини ва иш ҳақининг оширилишини қатъият билан талаб қилиб чиқмоқдалар. Мамлакатнинг дарё баржаларига хизмат кўрсатувчи матрослардан салкам минг киши ўз моддий аҳволининг яхшиланишини талаб қилиб, Гинта шаҳри кўчаларидан ўтдилар.

Капиталистик мамлакатларда фақат ишчилар, қурувчилар ва дарёчиларгина эмас, балки қишлоқ меҳнаткашлари ҳам мавжуд тузум қонун-қоидаларидан норози бўлмоқдалар. Яқинда Марказий Италиядаги Ареццо вилоятининг батраклари 24 соатлик забастовка ўтказдилар. Касаба союзларининг даъвати билан вилоятда узум, қанд лавлаги ва тамаки ҳосилини йиғиштириб олиш тўхтатиб қўйилди. Натижада қишлоқ хўжалик корхоналарининг иши тўхтаб қолди. Ана шу район батраклари иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шароитларининг яхшиланиши кўзда тутилган янги меҳнат шартномаси тузилишини талаб қилиб чиқдилар.

Бундай забастовка ҳаракатлари ва норозилик намойишлари бошқа капиталистик мамлакатларда ҳам тез-тез бўлиб, меҳнаткашлар ва маъмурлар ўртасидаги зиддиятни тобора кучайтирмоқда.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

60 МИНГ ТОННА УЧУН

КПСС XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун қурашаётган районимиз пахтакорлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили пахта тайёрлаш планини ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 51 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. План 30 иш кунида бажарилди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди.

Пахта теримини уюшқоқлик билан бошладик. Барча хўжаликлар, бригадаларда план ва социалистик мажбуриятларни қисқа муддатларда бажариш юзасидан тадбирлар белгиланди, мусобақани кенг оммалаштириш учун қатор ишлар амалга оширилди. Пахта териш машиналарини юксак унум билан ишлатиш учун кўплаб механизаторлар, мутахассислар жалб этилди. Пахта йиғим-теримида коммунистларнинг авангардлиги таъминланди. Коммунистлар, меҳнат ветеранларидан ташкил топган зарбдор бригадалар пахта теримида қишлоқ аҳли билан ёнма-ён меҳнат қилдилар. Буларнинг ҳаммаси яхши самара берди. Шу кунгача ўнинчи беш йиллик ҳисобига топширган пахтамиз 14 минг тоннадан ортиб кетди.

Ҳозиргача райондаги 174 пахтачилик бригадасидан 100 таси планини ошириб бажарди. 30 дан зиёд бригада деҳқонлари эса ҳар гектар ердан 35-40 центнердан пахта териб олдилар. Планни 20 иш кунида бажарган С. Шокиров раислик қилаётган «Партия XX съезди» колхозининг деҳқонлари ҳар гектар ердан 37 центнердан ошириб пахта териб жўнатдилар.

Бу йил ўтган йилдагидан 4 кун олдин планни ошириб адо этдик. Қабул пунктларига қарийб ўтган йилнинг шу даврида гига нисбатан 2230 тонна кўп пахта жўнатдик.

Энгельс номли колхознинг минг тоннадан пахта етиштириш мажбуриятини олган Холбобо Хуррамов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Холиқул Муҳаммадиев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларида ҳар гектар ердан 35-38 центнердан пахта териб олинди.

Район планининг бажарилишига «Партия XX съезди», Энгельс номли, «Социализм», «Гулистон», Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ленин номли колхозларнинг пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларнинг деҳқонлари ҳосилдорликни гектар бошига 45-50 центнерга етказиш учун қурашмоқдалар.

Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда терим машиналари ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Далаларда 300 дан зиёд агрегат ишлатилянти. Бункерлардан 17 минг тонна пахта тўкилди. «Ленинград» колхозининг механизатори Ҳосият Қиличева 230 тонна пахта терди. Саттор Каримов, Турсун Қўзиев, Раҳима Бобомуродова каби ўнлаб илғор механизаторларимиз машина теримида байроқдорлик қилмоқдалар.

План бажарилган бўлса-да, ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Пахтакорларимиз теримни бўшаштирмай «оқ олтин»ни охирги граммларигача териб олиш даъвати билан ишлаяптилар. Халқимизнинг ҳалол меҳнати, техника қудрати, табиат саховати эвазига етиштирилган ҳар бир чаноқ пахта биз учун қимматли.

Бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 39 центнерга етказамиз. Республикамизнинг юксак «оқ олтин» хирмонига 60 минг тоннали пахта билан ҳисса қўшамиз. Бу бизнинг КПСС XXV съездига тайёрлаган тухфамиз бўлади.

Н. ҲИКМАТОВ,
Шаҳрисабз район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ЗАФАРИМИЗ СЪЕЗДГА ТУҲФА

КПСС XXV съезди тобора яқинлашмоқда. Бу улуғ анжуманга муносиб тўёна тайёрлаш ҳар бир коллектив хўжалик аъзоси, ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Шундай шодиёна меҳнат дамларида районимиз пахтакорлари катта ғалабага эришдилар. Пахта тайёрлаш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди, давлат пунктларига 42 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Пахтанинг ҳаммаси юқори сортларга қабул қилинди.

Шуни ҳам айтиш керакки, районимиз бўйича белгиланган беш йиллик планлар барча турлари, сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича тўла ҳамда ошириб бажарилмоқда. Шу кунгача ўнинчи беш йиллик ҳисобига 35 минг тонна пахта, 200 тонна пилла, 1 ярим минг тонна гўшт, 11 минг тонна мева, 5 минг тонна сабзавот, 2 миллион донага яқин тухум ва бошқа маҳсулотлар топширилди, кўзда тутилганидан 6 минг тонна ортиқ дон сотилди.

Якунловчи йилда пахтакорларимиз катта қийинчиликларни енгиб, айниқса фидойилик билан меҳнат қилдилар. Районимизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига 50 центнерчилик ҳаракатининг ташаббускори «Россия» колхози 5000 тонналик пахтаси билан ҳисса қўшди. «Ленинград» колхози 4.500 тонна, «Ўзбекистон» колхози 4.000 тонна, «Правда» колхози 3.300 тонна, Қуйбишев номли колхоз 2.500 тонна пахта тайёрлаб, катта зафар қучди. Пахта йиғим-терими ҳамма хўжаликларда тезкорлик билан давом эттирилмоқда.

Ҳозир районимиз бўйича 100 дан ортиқ бригада ўнинчи беш йиллик ҳисобига пахта етказиб беряпти. Бригадалар ўртасида 55-60 центнерчилик ҳаракати қизғин кетяпти. Кўпчилик бригадаларимиз ҳозирдаёқ 40-50 центнерлик маррани эгаллади. А. Турғунов, Ф. Исоқов, С. Умаров, А. Собиров, И. Бойназаров, Х. Жўраев, Т. Абдуғаффоровалар бошлиқ бригадалар шулар жумласидандир. Бизларнинг пахтачиликда эришган муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Механизаторларимиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Умуман мавсум бошидан буён далаларимизда 150 та «вангори кема» ишлаб турибди. А. Асқаров, Н. Асронов, ташаббускор врач М. Сотволдиев, Т. Раҳимов, И. Мамажонов каби механизаторларимизнинг ҳар бири ўз кемаларини далага чиқарганларидан буён 250-300 тоннадан пахта териб бердилар. Чевар теримчиларимиздан 10 минг киши кўпминг килограммчилик ҳаракатига қўшилиб, ўз бурчларини шараф билан ўтамоқдалар.

Партия ташкилотлари дала меҳнатчилари орасида социалистик мусобакани кучайтирмоқда. Кўп ва тоза пахта териш, «оқ олтин»нинг юқори сорт бўлишини таъминлашда коммунистларимиз авангардлик ролини ўйнамоқдалар. Бугун коммунист, партиясиз актив — ҳамманинг ўрни пахтазорда! Районимиз бўйича ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга кўтариб, съездолди йилида она-Ватанга 55 минг тонна пахта етказиб берамиз. Шу марра эгалланмагунча бирор киши, бирорта техника воситаси пайкаллардан чиқмайди. Бугун ҳар қачонгидан зўр ғайрат билан ишлаш, борлиқ ҳосилни охирги граммларигача побуд қилмай йиғиб-териб олиш хўжаободлик пахтакор деҳқонларнинг муқаддас бурчига айланган.

Н. ҚОДИРОВ,
Хўжаобод район партия комитетининг биринчи секретари.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Районимиз меҳнаткашлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Беш йилликнинг якунловчи йили учун белгиланган пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани муддатидан илгари бажарилди. Ватан омборига 33,7 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Тайёрланган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди.

Бу йил об-ҳаво шароити ноқулай келганлигига қарамай районда мўл ҳосил етиштирилди ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 31 центнердан «оқ олтин» териб олинди. Заршуносларимиз 18 минг тонна уруғлик пахта тайёрладилар.

Бу катта ғалабага партия ва ҳукуматимиз муттасил ғамхўрлик қилиб келаётганлиги ва жуда катта ёрдам кўрсатганлиги, колхозчилар, механизаторлар, мутахассислар, қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида кенг миқёсда ташкилотчилик ва сиёсий ишлар олиб борилганлиги туфайли эришилди.

Халқ хўжалик планини анча ошириб бажарган Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Правда Востока», «Коммунизм», «Ўзбекистон», «Победа» колхозларининг пахтакорлари район деҳқонларининг ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар. 70 дан ортиқ бригада планни жуда қисқа вақт ичида бажарди ва гектаридан 35—45 центнерга етказиб хирмон кўтарди.

«Правда Востока» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобилжон Мирзаев, Имомжон Раҳимов, «Коммунизм» колхозидан Мажидхон Мирзаев, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Абдулбоқи Муқимов, Карл Маркс номли колхоздан Набижон Ўлбарсов, «Ўзбекистон» колхозидан Патилахон Қодирова бошлиқ илғор бригадалар районда рекорд ҳосил олдилар.

Пешана тери билан етиштирилган ҳосилни тез ва тоза териб олишда чевар теримчилар, механик-ҳайдовчилар жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Ленин номли колхоздан Гулсара Турдиева, «Коммунизм» колхозидан Ҳосиятхон Бурқонова, «Победа» колхозидан Лолахон Шорахмедова каби моҳир теримчилар 10—15 тоннадан пахта тердилар.

Шунингдек район хўжаликлари давлатга дон, пилла, тухум, жун, сабзавот, мева, узум сотиш йиллик планларини ҳам муддатидан илгари муваффақиятли бажардилар. Районимиз маккажўхорикорлари мисли кўрилмаган ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 760 тонна ўрнига 1896 тонна дон сотиб, қўшимча мажбуриятни ҳам Андижон областида биринчи бўлиб уддаладилар. Район бўйича ҳар гектар ердан 80,2 центнердан маккажўхори дони олинди.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари йиғим-терими тезроқ тугаллаш, ялпи ҳосилни 45 минг тоннага, ҳосилдорликни эса 45 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Ҳамиша ўз сўзининг устидан чиқиб келган районимиз меҳнат аҳли юксак мажбуриятни ҳам шараф билан бажариб, партиямизнинг бўлажак XXV съездини муносиб тўёна билан кутиб олади.

Абдурашид ТОЖИБОЕВ,
Ленин район партия комитетининг биринчи секретари.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

УРГАНЧ. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали олинди). КПСС XXV съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган Хоразм областининг меҳнаткашлари пахта тайёрлаш беш йиллик халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга планда кўзда тутилган 1 миллион 830 минг тонна ўрнига 15 октябргача 1 миллион 880 минг 300 тонна пахта етказиб берилди.

Область хўжаликларида пахта тайёрлаш қизғин давом эттирилмоқда.

* * *

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали олинди). Область меҳнат аҳли беш йиллик халқ хўжалик плани бўйича давлатга 2 миллион 220 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериши керак эди. 15 октябрга қадар тайёрлов пунктларига 2 миллион 59 минг 600 тонна пахта топширилди.

Терим давом эттирилаётир.

ЗАФАР САТРЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ. Ленин номли колхоз заршунослари зафар қучдилар. Она-Ватан хирмонига 5800 тонна «оқ олтин» тўкилди. Планнинг бажарилишига Ф. Йўлчиева, М. Холбекова, Х. Нурматова, Н. Болтабоева, Н. Дўстова каби чевар теримчилар катта ҳисса қўшдилар.

Колхоз пахтакорлари имкониятларни ҳисобдаб чиқиб, давлатга яна 1200 тонна дурдона етказиб беришга аҳд қилдилар.

МАШИНАДА ҲАМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси Вали ҚОРАБОЕВ
460 ТОННА

Шу совхознинг механик-ҳайдовчиси Неъмат АҲМАДЖОНОВ
450 ТОННА

Шу райондаги Охунбобоев номли колхоз механик-ҳайдовчиси Жўрақўзи ҲОЖИЕВ
317 ТОННА

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

Норин районидаги Ильич номли колхоз механик-ҳайдовчиси Қодирали ҚУЧҚОРОВ
160 ТОННА

Шу колхоз механик-ҳайдовчиси Тўхтасин РАҲИМОВ
160 ТОННА

Шу райондаги «Победа» колхозининг механик-ҳайдовчиси Рўзихон ИЗЗАТОВА
150 ТОННА

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Фрунзе районидаги Охунбобоев номли совхоз механик-ҳайдовчиси Муроджон УМРЗОҚОВ
270 ТОННА

Киров районидаги «Бешариқ» совхози механик-ҳайдовчиси Тўйчибой ДЕҲҚОНОВ
150 ТОННА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Амударё районидаги Крупская номли колхоз механик-ҳайдовчиси Қозоқ КАМОЛОВ
280 ТОННА

Илья Иванович ЛАДУШКИН

Иттифоқ аҳамиятига молик пенсионер, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон КП Юқори Чирчиқ район комитетининг собиқ биринчи секретари Илья Иванович **Ладушкин** узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1975 йил 15 октябрда вафот этди.

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди, Тошкент области экономикаси ва маданиятини ривожлантиришнинг толмас ташкилотчиси орамиздан кетди.

И. И. Ладушкин 1909 йили Астраханда ишчи оиласида туғилди. 15 ёшидан меҳнат фаолиятини балиқ овлаш хўжаликларида ишчиликдан бошлади. 1930 йили Саратовдаги комвузни тугатди ва 1934 йилга қадар партия органларида пропагандист ва комсомол комитетларининг секретари бўлиб ишлади. 1935 йилдан 1947 йилгача Совет Армияси сафларида партия-сиёсий ишида бўлди. Совет Армиясида хизматни тугатгандан сўнг партия И. И. Ладушкинни партия ишларига юборди. Аввал Астрахань области Степновск район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири бўлди, кейинчалик шу район партия комитетининг иккинчи секретарлигига сайланди. 1949 йили И. И. Ладушкин Астрахань область Марфинск район партия комитети биринчи секретарлигига сайланди. 1951 йили И. И. Ладушкин КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабига ўқишга юборилди. Уни тугатгандан сўнг 1954 йили Тошкент область Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

И. И. Ладушкин кейинчалик Оҳангарон, Юқори Чирчиқ район партия комитетларининг биринчи секретари бўлди.

Партия Илья Иванович Ладушкинни қаерга юбормасин, ҳамма ерда ўзининг бутун куч-ғайрати, билими ва тажрибасини Ватан хизматига бағишлади. У оддий, камтар ва кишиларга меҳрибонлиги билан ажралиб турарди, партия-хўжалик активи ва меҳнаткашлар ўртасида катта обрў қозонган эди.

И. И. Ладушкин область ва республика жамоат-сиёсий ишларида актив қатнашди. 1957 йили у Тошкент область партия комитети аъзоси, область Советининг депутати қилиб сайланди. Олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати бўлди. И. И. Ладушкин Октябрь революцияси ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар билан мукофотланган эди. 1971 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Ажойиб меҳнаткаш принципиал коммунист, катта қалб эгаси Илья Иванович Ладушкининг ёркин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, М. К. Камолов, Н. И. Малихин, В. В. Окунский, С. Т. Тошқулов, А. М. Хўжаев, Н. О. Шчукин, П. Ю. Юсупов, Т. З. Орипов, Ш. Н. Бобоев, А. В. Бранлов, А. З. Зуфаров, М. М. Муллаев, М. Қодиров, П. С. Мирсолиҳов, И. С. Султонова.

ПАХТА НОБУД БЎЛМАСИН!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлаш пунктларининг 1975 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида» 1975 йил 30 июль қарорини бажариш юзасидан Қорақалпоғистон АССР ва областларнинг прокурорларига пахтакорларнинг пешана тери билан етиштирилган «оқ олтин»нинг нобуд бўлишига, пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтириш, пахта теримида хўжасизлик фактларининг олдини олиш бўйича конкрет кўрсатмалар берилган эди. Партия органларининг раҳбарлигида ҳамма жойда прокуратура, ички ишлар, юстиция, суд ва халқ контроли органларининг йиғилишлари ўтказилди. Жойларда ишнинг аҳволи ҳисобга олиниб, пахта териш ва тайёрлашда қонуннинг бузилишига қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ҳамма область ва районларда маъмурий органлар ва жамоатчилик вакилларидан пахта нобудгарчилигига қаршн кураш бўйича оператив группалар тузилди.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, айрим колхозчилар, совхоз ишчилари ва бошқа қишлоқ аҳлининг масъулиятсизлиги оқибатида баъзи хўжаликларда пахтани пайҳон қилиш ҳоллари юз бермоқда. Бундай фактлар, масалан, Бухоро областида аниқланди. Свердлов районидаги Калинин номли колхознинг 7-бригадасида назоратсиз қолдирилган қўйлар ҳосилга анча зарар етказган. Риштон районидаги «Москва» колхозининг чўпони Шукуровнинг айби билан шу колхоз 8-бригадаси далаларида пахта пайҳон қилиб юборилган. Бундай фактлар Хоразм областидаги Шовот, Гурлан ва Хонқа районларидаги колхозларда ҳам аниқланди.

Пахтани пайҳон қилишга йўл қўйган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Баъзи жойларда пахта терими вақтида ҳосилнинг тўкилиб қолишига, оқибат натижада нобуд бўлишига йўл қўйиляпти. Хонқа районидаги Навоий номли колхознинг 4, 6, 7-бригадалари, Тўрақўргон районидаги «Ўзбекистон» колхозининг 1-бригадаси далаларида, хирмон жойларда пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўйилган.

Пахтакор районидаги А. Икромов номли совхозда терим машиналари яхши созланмаганлиги оқибатида пахта ерга кўплаб тўкиляпти. 25 сентябрь куни 2 гектар майдондаги пахта косоз машина билан терилган ва натижада анча ҳосилга путур етказилган.

Пахтани ташиш вақтида ҳам йўлда тўкилишига йўл қўйилаётир. Жиззах областидаги А. Кичанов номли совхозда бўлим раҳбарларининг бепарволиги натижасида кўпгина транспорт воситалари пахтанинг устини беркитадиган брезент билан таъминланмаган. Бунинг оқибатида ҳосилнинг бир қисми йўлларга тўкилиб, нобуд бўлаётир.

Бухоро область Ромитан район прокурорининг таклифи билан «Социализм», Ибн Сино номли, «Ўзбекистон» колхозларида ва «Ромитан» совхозида пахта ҳосилининг нобуд қилинишига қарши курашдаги камчиликлар район партия комитетида муҳокама қилинди. Бу хўжаликларнинг раҳбарлари огоҳлантирилди.

Хоразм область прокурори ва ички ишлар бошқармаси бошлиги Хоразм область партия комитети номига хат йўлладилар. Бу хатда текшириш вақтида аниқланган камчиликлар ҳамда айбдорларни жазолаш юзасидан кўрилган чоралар баён қилинган эди. Район ва область прокурорлари пахтани териш, ташиш ва сақлаш вақтидаги нобудгарчилик сабабларини кўрсатиб, партия ва совет органларига 74 та ёзишма киритдилар.

Молларни қаровсиз қолдириш натижасида пахтанинг пайҳон қилинишига йўл қўйган гражданлар ва мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Наманган ва Хоразм областларидаги маҳаллий Советларнинг маъмурий комиссиялари 100 дан ортиқ кишига жарима солдилар.

Қоракўл районидаги «Бухоро» колхозининг бригадири Ш. Маматназаровнинг масъулиятсизлиги оқибатида пахтазорга сув қўйиб юборилган ва эгатларга тўкилган пахта исроф бўлиб кетган. Бу масъулиятсизлиги учун бригада бошлиги жиноий жавобгарликка тортилди. Қўшкўпир районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси Х. Давлатовнинг уйидан бир килограмм тола ва чигитини чиқариш учун ўғирлаб келинган 30 килограмм пахта топилди. Х. Давлатов жиноий жавобгарликка тортилди.

Тахтакўпир районидаги Ленин номли совхоз бригадири У. Ўрозимбетов ўз хизмат бурчини бажаришга масъулиятсизлик билан қарагани, ҳосилни сақлаш чораларини кўрмагани оқибатида қаровсиз қолдирилган моллар ҳосилнинг бир қисмини нобуд қилган ва совхозга жиддий моддий зарар етказилган. Масъулиятни сезмаган бригадир жиноий жавобгарликка тортилди. Бухоро областидаги Вобкент ва Свердлов, Хоразм областидаги Қўшкўпир районларининг прокурорлари ҳам пахтани нобуд қилишда айбдор бўлган айрим шахслар устидан жиноий иш қўзғатдилар.

Колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган «оқ олтин»нинг бир грамминг ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаслик керак. Пахта — халқ бойлиги. Халқ бойлиги эса муқаддас ва дахлсиздир.

Н. БУРИҲЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР прокурори, 2-класс давлат юстиция маслаҳатчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар, самарали ишлаганлиги, республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Узпладоовощвинпром» аграр саноат бирлашмаси раисининг ўринбосари Дмитрий Игнатьевич Олейниченкога «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Оржоникидзе район комитетининг биринчи секретари Ёқуб Пўлатовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми молия, план ва совет органларида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлиги молия ва халқ хўжалик плани бўлимининг старший референти Николай Николаевич Акалаевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР ЙИЛИ

БИРИНЧИ ЮРИСТ АЁЛ

Республикамиз хотин-қизлари халқаро хотин-қизлар йилини янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонламоқдалар, бутун куч-ғайратларини тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини бажаришга сарфламоқдалар.

Шундай кунларда республикамиз хотин-қизлари учун асрий қолоқликдан эрк сари биринчи бўлиб йўл очганлар, биринчи бўлиб паранжини ташлаб ёрқин ҳаётга қадам қўйганларни, хотин-қизларни озод қилиш учун оғир кураш йилларида аёлларга бош бўлиб, маърифат қуёшига келганларни, биринчи бўлиб олий маълумот олганларни эслаймиз. Ана шундай пионер аёллар ҳақида ўйлаганимизда аввало Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳадича Сулаймонова ёдимизга келади.

Октябрь революцияси ва Совет ҳокимияти ўзбек хотин-қизларига эрк берди, тенг ҳуқуқ берди, сиёсий ҳаётда, давлатни бошқаришда қатнашиш йўлини очиб берди. Ҳадича Сулаймонова шу ёрқин йўлдан биринчи қадам қўйган аёлларданэди.

Билимдон олима давлатшунос сифатида юридик фанларда, Ўзбекистон юстиция органлари амалий фаолиятида из қолдирди. Ёш олимларнинг кўпига билим чўққиларини эгаллашда устозлик ва мураббийлик қилди.

Халқимиз ҳамиша билимга интилиб келган. Ҳадичанинг онаси Отинча ая ҳам билимнинг қадрини биладиган аёлларданэди. 30-йилларнинг бошларида Отинча ая домлалар ва муллаларнинг қутқуларига қарамай, қизи Ҳадичани рус мактабига ўқишга берди. Ҳадича ёшлигидаёқ бой ва руҳонийларнинг ваҳшийликлари гувоҳи бўлди, озодлик сари интилган аёллар қонга бўялганини кўрди. Артист бўлиш учун, ўз мақсадига эришиш учун қандай қийинчиликларни писанд қилмай, ёруғ йўлга чиққан Нурхонинг қотиллари устидан ўтказилган суд процесси Ҳадичага жуда катта таъсир қилди. Ўша йиллардаёқ у юрист бўлишга, бутун кучини, билимини хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш қолдиқларига қарши курашга, янги ҳаёт учун, социализм учун курашга бағишлашга аҳд қилди. Шунинг учун ҳам мактабни битириб Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги Совет қурилиши ва ҳуқуқ институтига ўқишга кирди. 1935 йилнинг кузида Йўлдош Охунбобоев олий юридик маълумот олган биринчи ўзбек қизига қарсаклар остида диплом топширди.

Республика олий судида, сўнгра Тошкент юридик институтида самарали иш олиб борди. 1945 йилда кандидатлик диссертациясини. 1950 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлади.

Талантли юристнинг илмий фаолияти йил сайин кенгайиб, самарали бўлиб борди. Унинг суд тузилиши ва ҳуқуқ тарихи ҳамда назарияси проблемаларига оид асарлари, Ўрта Осиё республикаларида оиласий муносабат масалаларига оид асарлари адлия фанига қимматбаҳо ҳисса бўлиб қўшилди.

1956 йилда Ҳадича Сулаймонова Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди.

Биринчи ўзбек юрист аёл Тошкент юридик институтининг директори. Ўзбекистон ССР юстиция министри, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комиссиянинг раиси, сўнгра эса Ўзбекистон ССР Олий Судининг раиси лавозимларида ишлади.

Республиканинг суд органларида ариза ва шикоятларни ҳал қилишнинг йўлга қўйилишида унинг инсонпарварлиги, сезгирлиги ёрқин намоён бўлди. У ҳамиша бошқаларга инсонпарварликдан дарс берар, ўзи намуна бўларди. Бирор иш билан ҳузурига келган одамларни қабул қилмай қўймасди. Чунки Ҳадича одам кўп бўлса вақт билан ҳисоблашмас, кечаси соат 10-12 га қадар ҳам одамларни қабул қилиш ва улар билан суҳбатлашишни давом эттирарди.

Ҳуқуқ, тарих ва социология соҳасидаги чуқур билими, масъул давлат лавозимларида кўп йиллар ишлаб орттирган тажрибаси натижасида у республиканинг кўзга кўринган жамоат арбобларидан бирига айланди. Академик Ҳадича Сулаймонованинг Қоҳира ва Амстердамда, Гаага ва Токиода, Лондонда, Деҳли ва Коломбода халқаро конференцияларда, симпозиумларда сўзлаган нутқлари принципиаллиги ва эҳтироси билан ажралиб турарди. Чет элларда у совет ҳуқуқини, Совет Шарқи республикалари тараққиётининг тарихий тажрибасини, уларнинг социализм йўлида қўлга киритган ғалабаларини зўр эҳтирос билан пропаганда қиларди.

Ҳадича чет эллардан келган жуда кўп хотин-қизлар ва бошқа жамоат ташкилотлари делегацияларини, халқаро хотин-қиз ишчилар ҳаракати арбобларини қабул қиларди.

Ўзбек халқининг шонли фарзанди Ҳадича Сулаймонованинг ҳаёти ва фаолияти Улуғ Октябрь озодлик берган Совет Шарқи хотин-қизлари нималарга қодир эканлигини бутун дунёга намойиш қилди. Унинг кўп қиррали ва самарали фаолияти Ўзбекистонни чоризмнинг чет ўлкасидан яшнаган Совет республикасига, Шарқда социализм машъалига айлантирган ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси самараларидан биридир.

Ўзбек халқи ўзининг содиқ фарзанди, юридик фанлар соҳасида биринчи аллома Ҳадича Сулаймоновани ҳеч қачон унутмайди.

М. ВОСИҚОВА,
Ўзбекистон ССР юстиция министри.

Р. АМИНОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор.

АНДИЖОН. Москва районидаги шойи тўқиш фабрикасининг коллективи съезд олди мусобақасини тобора қизитиб ишлашмоқда. С. Мўйдинова ана шу мусобақа пешқадами. Бу илғор тўқувчи ҳозир 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Суратда: Саломатхон шогирди Хадичахон Мадалиевага шойи тўқиш сирларини ўргатаётир.

В. Баскаков ва Қ. Тошпўлатов фотоси.



САҲИФАДА:

ОМБОРЛАР ДОНГА ТЎЛСИН

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ГТО НИШОНДОРЛАРИ

Советлар мамлакатида

ПРИМОРЬЕ ШОЛИСИ

ВЛАДИВОСТОК. Бугунги кунда Приморьенинг ихтисослаштирилган совхозларида ўн минг гектар майдондаги ёки бутун экинзорнинг учдан бир қисмидаги шоли ўриб олинди. «Авангард» совхозининг деҳқонлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Улар қарийб уч минг гектар ёки экин майдонининг ярмидаги шоли ҳосилини ўриб олдилар.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

ТАЛЛИН. «Балтийская мануфактура» тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Агафонова беш йиллик бошидан буён бир ярим миллион метр сурп тўқиб чиқарди. Ана шу газламанинг қарийб 300 минг метри пландан ташқари тайёрланди.

Эстония ССР Олий Советининг депутати коммунист З. Агафонова ҳар бир станокда бир смена давомида топшириққа қўшимча суратда 8-9 метр газлама тўқиб чиқармоқда. Тўқувчи ихтиёрида 23 станок бор, бу эса тармоқ нормасида белгиланганидан анча кўпдир. Моҳир тўқувчи шу туфайли корхонада биринчи бўлиб беш йиллик топширигини муддатидан олдин бажарди.

Кўпгина тўқувчилар донгдор ишчидан ибрат олмоқдалар. Корхонанинг бутун коллективи зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Бу ерда йил бошидан буён планга қўшимча равишда 300 минг метрдан кўпроқ сурп ва 90 тонна калава ишлаб чиқарилди.

ДАШТ ҚЎЛЛАРИ

ДОНЕЦК. Амвросиевский районида колхозлараро сув омбори қурилиши тугади. Бу ерда барпо этилган янги суғориш системаси райондаги учта хўжалинда 467 гектар майдондаги қишлоқ хўжалик экинларини суғориш имкониятини беради.

Донецк даштида мелиорация ишлари кенг авж олдириб борилди. Область колхозлари ва совхозларида йил бошидан буён 2700 гектар майдонда суғориш системалари фойдаланишга топширилди. Кўллар ва насос станциялари барпо этилмоқда, яна ўн минг гектар майдонда қувур ётқизилмоқда.

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

ЭҚИБАСТУЗ. Г. И. Мозер бригадаси «Экибастузуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Богатирь» кўмир разрезида биринчи бўлиб ёқилғи қазиб чиқариш беш йиллик планини бажарди. Энг юқори йиллик ютуқ яқин вақтгача ана шу коллективга мансуб эди. Коллектив бир соатда минг тонна кўмир қазиб чиқариш унумига эга бўлган ротор экскаваторида 3,5 миллион тонна ёқилғи қазиб чиқарди. Энди эса бу кўрсаткичдан ўзиб кетилди: ана шундай машинада ишлаётган А. Н. Витт бригадаси бу кўрсаткични 3,8 миллион тоннага етказди.

Экскаваторлар ГДРдаги «Лаухамерверг» заводида тайёрланган. «Богатирь» разрезида ана шундай тўртта кудратли экскаватордан ташқари яна иккита бундан ҳам кудратли машина ишлаб турибди. Бу машиналар бир соатда уч минг тонна кўмир қазиб чиқара олади. Барча экскаваторлар жойнинг ўзида немис дўстларнинг ёрдами билан йиғилган. Бу эса Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши программаси асосида амалга оширилмоқда.

(ТАСС).

ОММАВИЙЛИК МАНБАИ

СПОРТ

«Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» Бутуниттифоқ комплекси турли ёшдаги кишиларга мўлжалланган ГТО жисмоний тарбия комплексининг беш босқичида фаол ҳаракатларнинг турли кўринишлари жамланган. Мамлакатимизда бўлгани каби республикамизда ҳам ГТО нормативларини топшириб, нишондорлар қаторидан жой олаётганлар сафи кенгайиб бормоқда. «Совет Узбекистони» муҳбири А. Маннопов Қўқон шаҳар спорт комитетининг раиси А. РОСТОВ билан суҳбатлашиб, унинг ГТО комплекси нормативларини топшириш ишлари қандай йўлга қўйилгани ҳақидаги фикрини олди.

— Физкультура ва спорт ишларини ҳар томонлама кенг йўлга қўйиш республика партия-ҳукуматининг доимий диққат марказида эканлиги бежиз эмас, — деди А. Ростов. — Республика спортчи ва физкультурачилари қўлга киритаётган ютуқларга биз қўқонликлар ҳам муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу борада шаҳар партия комитети амалга ошираётган ишлар диққатга сазовор бўлмоқда. Бюро ва партия активи йиғилишларида физкультура ва спорт масалалари мунтазам кўриб борилади. Бу эса шаҳардаги корхона, муассаса-ташкилотларда, мактаб ва билим юртларида спорт турларини оммалаштириш, таълим-тарбия ишларини яхшилаш имконини бераётир.

Қўқонда байрам, хайрли маросимларни албатта турли спорт мусобақалари, коллективлараро ва шахсий биринчиликлар ўтказиш билан нишонлаш анъанага айланган. ГТО кўп кураши, енгил атлетика, кураш ва спортнинг бошқа турлари бўйича шаҳар биринчиликлари ўтказилиши шулар жумласидандир. Бугунгача катта-кичик баҳсларда иштирок этганлардан қарийб 8217 нафар киши ГТО нормативини, юзлаб спортчилар эса разряд нормативларини бажардилар.

Шаҳримиз физкультурачилари спортнинг футбол, баскетбол, енгил атлетика турлари бўйича областда Фарғона шаҳридан кейин иккинчи ўринни эгаллаб туришибди. Қиличбозларимиз бу йил областда пешқадам бўлиб олишди. Боксчилардан А. Тошматов, Ш. Исоқов, Т. Ананов область терма командаси аъзоларидир. «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти гимнастикачилари Н. Акмаев ва Р. Маҳмудовлар эса Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, мухлисларни мамнун этишмоқда. Бу ютуқларнинг боиси спорт базаларини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириб, меҳнаткашлар ўртасида физкультура ва спортнинг оммавий тус олишига ҳаракат қилаётганимизда.

Шаҳар физкультура ташкилотининг жонажон партиямиз XXV съезди шарафига олган мажбуриятлари ҳам юксак. Йил охиригача ГТО нишондорларини салкам 12 минг кишига етказиш кўзда тутилган. Тўққиз нафар спорт мастери, 25 мастерликка номзод, 168 биринчи разрядли спортчи тарбияланади. Бугунгача беш кишши мастерлик, 23 спортчи мастерликка номзод, 124 кищи разряд нормативларини топшириб бўлди. «Комсомольская правда» газетаси совғини учун ГТО кўпкураши бўйича ўтказилган область мусобақасида Қўқон шаҳар командаси совриндор бўлди. Ғолибларимиз Тошкентда ўтказилган республика баҳсларида ҳам яхши натижа кўрсатишди.

Биз қўлга киритган ютуқлар билан чекланмаймиз. Қўқонлик йигит-қизларни физкультура коллективларига кўпроқ жалб этиш ва улар орасида маҳоратли спортчилар етиштириш бундан буён ҳам биринчи вазифа бўлиб қолади. Спортчилар қатори жамоатчи судья ва тренерлар, умуман мутахассис кадрлар тарбиясига алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунончи, оғир атлетикачилардан М. Солиев, Ю. Ионов, қиличбозлардан И. Мелибоев, В. Еренбург ва бошқалар ўқлаб шогирдлар тайёрлашди.

Партия ва ҳукуматимизнинг физкультура ва спортни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб, физкультурачилар сафини кенгайтираверамиз. Бу борада ГТОдан оммавийликнинг муҳим омили сифатида фойдаланишни давом эттирамиз.

ДАДАМЛАРГА САЛОМ АЙТИНГ

ФЕЛЬЕТОН

Ассалому алайкум, Баҳодиржон укам! Янгибозорда, бировларнинг уйида бечора онанг билан омон-эсон юрибсанми? Олисда бўлсам ҳам саҳарлар қилаётган оҳ-ноларингни эштиб турибман. «Дадам қачон келадилар?», — деб зор-зор йиғлаяпсан. Онанг юпатолмай кўз ёши қилади. Бир вақтлар мен ҳам худди сенингдек бўлган эдим. Отам Тожим Алибоев (ҳозирда у сенинг отанг) онам билан мени қон қақшатиб қаёққадир бош олиб кетган эди. Эшитсак, алмисоқда ўрганиб олган учтўт эшуласини тўй-томошаларда айтиб, жарақ-жарақ пул ишлаб юрган экан. Тошбағир бизга бир тийин ҳам ёрдам қилганни йўқ. Мана, ўсиб-улғайиб ўн еттига кирдим. Бахтимга онам соғ бўлсин. Сенинг ҳам онангга сабру-бардош тилайман.

Отамизнинг кимлигини ҳали аниқ билмасанг керак. Бизни ташлаб кетганидан кейин Чирчиқ шаҳрида Норбуви деган бир қизга уйланди. Қиз ўша пайтда медицина техникумида ўқирди. Отам унинг кетидан кечани-кеча, кундузни кундуз демай ергашиб юрди. Ўн гулимдан бир гулим очилмаган бўйдоқмав, деб қасам ичди. Охири у бечора тузоққа илинди. Эшитишимча, аввал бу аёл қиз кўрибди, исмини Дилдор қўйишибди. Кейин Тоҳир ва Зоҳид номли ўғиллар дунёга келибди. Фарзандларни тарбиялашнинг ўзи бўлмайди. Чидаганга чиқарган, дейдилар. Отамиз уй-рўзғор ташвишларига бардош бера олмабди. Бунинг устига, кўнглида яна «ишқ-муҳаббат» дарди оловланиб қолибди. Ўша кезларда у Мукаррам деган бир аёлни тўйма-тўй уйнатиб юрар экан. Ўзининг тўйларда айтадиган ўлдим-куйдим лапарларига амал қилиб, 1966 йилда унга уйланиб олибди. Ошиқ ва маъшуқлар узоқ йил бирга бўлишди. Тўйма-тўй дайдиб, кўп одамларни анча пулга туширишди. Охири бу аёл ҳам отамнинг кўзига ёмон кўринибми, қолибди. Яна у ошиқ. Янги ишқий ашулалар ўрганади. Ўтган-кетганга, кўзига кўринганга ишқ-муҳаббат изҳор қилади. Ўшанда у қайсидир маданият уйида ишлаб юрган экан. Кўзига Мукаддас деган бир қиз кўриниб қолибди. (Бу сенинг онанг). Жуда ёш. Ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилган эмас. Отамиз эса, биласан, анча ёшга борган. Шунда ҳам уятни билмай, ўша қизга муҳаббат изҳор қилибди. Бошини айлантирибди, кўзини тиндирибди. Охири фирибгарлик тузоғига илинтирибди. Орадан кўп ўтмай, сен дунёга келибсан. Мана, эндигина бир ярим ёшга тўлдинг. Бир ярим ёшингда қанча кулфат бошингда. Отам деб йиғлаб турибсан. Онанг шўрлик Юқори Чирчиқ районидаги кўпгина идораларга арз қилди. Жумладан, шу йилнинг 30 майида район прокурори номига арзнома ташлаб келди. Прокурор ёрдамчиси И. Салихматов кўп ўтмай жавоб хати йўллади. Унда бундай дейилган эмиш: «Сиз фарзандингиз тарбияси учун халқ суди орқали Алибоев Тожимдан нафақа олиш ҳуқуқига эгасиз. Шунинг учун халқ судига мурожаат этишга ҳақлисиз». Укажон, ҳаммага беш бармоқдай аён гап-ку. Бу, Аттанг, прокурор акаларимизнинг дадамизга кучлари етмабди-да!

Баҳодиржон, дадамиз осовлиқча нафақа тўлайдиган одамлардан эмас. Биз ҳам бир вақтлар унинг нисофга келиб, нафақаларимизни ўз вақтида тўлаб туришига ишониб юрган эдик. Бўлмади. Судга бердик. Уни жиноятчи ҳисоблаб, қонунга яраша жазолашди. Қамалиб кетди. Шунда ҳам кўзи очилгани йўқ. Чирчиқ шаҳрида савдо системасида ишлаб юрганида яна жиноят қилди. Қамалди. Сенинг 20 ёшлардаги онангни йўлдан уриб, онасидан, қариндош-уруғларидан ажратиб олиб қочгани ҳам жиноятнинг худди ўзгинаси бўлса керак. Ачиқ ҳақиқат бўлса ҳам, бир гапни сенга айтмай иложим йўқ. Сенинг дунёга келишингга ҳам отамиз қаршилик қилган экан. Онанг бечорани етаклаб, касалхонага олиб борибди. У ерда жуда ақлли одамлар ишлашар экан. Олдириб ташлашга йўл қўйишмабди. Қўй, йиғлама, укажон, шундай отанинг бориданйўғи яхши эмасми?!

Баҳодиржон, ҳозир тўй-томошалар фасли. Отамизнинг ови юрган. Рубобини қўлтиқлаб, яллачиси билан маҳаллама-маҳалла дайдиб юрибди. ТШЛ 30-37 номерли машинаси бир кун ҳам тиним билмайди. Одамларга ҳайронман. Дадамиздан бошқа ашулачи оламда қуриб кетибдими?! Бола безорининг маза-матрасиз лапарларини эштиб, қарсак чалиб ўтиришади. Чаккасига пуллар қистиришади. Фаросатларига балли!

Укажон, «Дадамиз қаёққа кетдилар?» — деб сўраётган эмишсан. Адресларини мен биламан. Юқори Чирчиқ райони марказида ҳурматли бир кишининг янги уйида яшар эканлар. Бу уйга район ижроия комитети раисининг ўринбосари Николай Иванович Цой амакимиз жойлаштириб қўйган эканлар. Болаларни қақшатиб юрган тошбағир бир кимсага у кишидан бошқа яна қайси одам бошпана топиб бера олиши мумкин-а?! Меҳр-шафқатларига тасанно де!

Юқори Чирчиқ районидаги 94-ремонт-қурилиш участкаси раҳбарларига ҳам саломимни етказиш эсингдан чиқмасин. Отамиз Тожим Алибоев шу жойда номигагина ишлаётган эмишлар. Балки бу корхонадаги амакижонларимиз сенинг ва онангнинг тарафини олишар, саёқ созанданинг танобини тортиб қўйишда сизларга ёрдамлашишар.

Мана, ҳамон сен йиғлаяпсан. Эшитиб турибман. Қўй, йиғлама, укажон. Ўша бемаъни отадан айрилиб, биз хор-зор бўлганимиз йўқ. Қайтанга, беташвиш, бегалва яшаяпмиз. Элюрт, қариндош-уруғларимиз бошимизни силашяпти. Ўсиб-улғайяпмиз. Яхши одамлар бўлиб етишишга ҳаракат қиляпмиз. Сенинг ҳам азиз бошингни силовчи яхшилар топилади.

Сўнгги сўз: дадамларни қаерда учратсанг ҳам уларга салом айт. У киши бизни аллақачон унутиб юборган бўлсалар ҳам, бизлар унутганимиз йўқ.

Отасиз қолган тўрт бола номидан бу хатни ёздим.

ДИЛБАР.

Хатни оққа кўчирувчи:

Усмон ЮСУПОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

НОЁБ ҲАЙВОН

Шарқий Сибирь зонал зоокомбинатининг экспедицияси мушуклар оиласига таллуқли ниҳоятда ноёб ҳайвон—манула излаб Тувининг баланд тоғлиқдаги даштларига жўнаб кетди. Овчилар автоном республикининг марказида жойлашган Тува котлованида ҳам биринчи марта манула тутадилар. Яқинда бу ерда ёввойи мушук пайдо бўлганлигини пайқашган. Биологларнинг айтишларича, кейинги йиллар ичида манула анча кўпайиб қолган. Шундай бўлса-да, ҳайвон тутувчи унга ёўлқиши учун хувиллаган тор тизмалари бўйлаб ўнлаб километр йўл босмоғи керак. Ёввойи мушук қоя ёриқларида, бошқа ҳайвонлар ташлаб кетган уяларда яшайди. У шу қадар эҳтиёткорки, ушлаш ўйқда турсин, ҳатто кўриш ҳам амримаҳол. Мушук ҳатто қорда камдан-кам из қолдиради у оftобда қори эриган тошларнинг қирралари устидан юришни афзал кўради.

Ёввойи мушукни биринчи бор кўриб, кейин уни тутиш насиб этган Хандагайти қишлоғининг фельдшери П. Телюш мушукнинг ғўзаллиги ва ҳуркаклигидан ҳайратда қолган. Мануланинг мўйнаси қалин, юмшоқ, қоратмтир сариғиш.

П. Телюшнинг «уй ҳайвонат боғига» келтирилган манула орадан икки ой ўтгач янги вазиятга кўникиб, кулранг турна, қуён, юмронқозиқ билан иноқлашиб қолди. Овқатдан у маргарин сурилган нонни кўпроқ ёқтирарди.

Яқинда шу ёввойи мушук Тува даштларида тутилган бошқа беш та мушукка қўшиб ҳайвонат боғларидан бирига жўнатилди.

В. ЖИЛЯКОВ,
ТАСС мухбири.

Тува АССР.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Узбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитети «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» БАЗАСИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН **158-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ** 1975—76 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

Ўқувчилар қабул қилади

БИЛИМ ЮРТИ — ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН МАЛАКАЛИ СУВОҚЧИЛАР, БУЁҚЧИЛАР, ПАРДОЗЛОВЧИ, ПЛИТКАЧИЛАР, ПАРКЕТЧИЛАР, ПАРДОЗЛОВЧИ-ПЛИТКАЧИ-МОЗАИКАЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ВА 2 ЙИЛ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҲИСОБЛАНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчилар шаҳарга прописка қилинадилар ва Тошкент шаҳрида иш билан таъминланадилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал овқат, кийим-бош билан таъминланадилар ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процента берилади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли) ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисидаги справка, мактабдан характеристика, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 6 дона 3х4 см. катталикдаги фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР — ҲАР КУНИ ЭРТАЛАБ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Октябрь район, Халқлар дўстлиги проспекти, Қибрай проезди 54 уй. (14, 38, 48, 70, 71-автобуслар, 2, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «1-туғруқхона» бекати).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 17.40 — ТОШКЕНТ. 17.45 Мультфильм. 18.05 — Физкультура ва спорт. 18.35 — Дирижёр бугун сиз билан. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Миллионлар лонинча университети (Москва). 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 **«Ахборот».** 20.30 — Бизнинг суҳбат. 21.00 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 21.20 — Ёш ижрочилар концерти. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Ҳам сарф-ҳаракат билан кўплаб сифатли маҳсулот берайлик. 22.45 — Адабий театр. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.40 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қуёш аяси бор. 19.30 — Шифокор эҳрами. 20.00 — Концерт. 20.45 — Телефильм. 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — Концерт. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Кинофильм. 20.45 — Телефильм. 21.25 — Тошкент янгиликлари. 21.40 — **Серафим Фроловнинг муҳаббати** (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 16/Х да **Кўк эшик ортидаги аёл,** 17/Х да **Парвоз,** 18/Х да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —16/Х да **Жон қизлар,** 17/Х да **Хотинимнинг эри,** 18/Х да **Хонума хоним.**

ШАПИТО ЦИРКИДА — **МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (19.00).

КИНО

Шаҳарда икки киши — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Жиноятчи ва унинг иши — НАВОИЙ номли, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Қизил бодрезак — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ватерлоо — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги ўқ: Қолқон — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Кромвель — «ВОСТОК» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 21.15).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: махсус фортепиано, пуфлаб чалинадиган асбоблар (профессорлар, доцентлар);

кафедра доценти: ўзбек халқ чолғу асбоблари (дирижёрлик);

кафедра катта ўқитувчиси: ўзбек халқ чолғу асбоблари (ғижжак класси).

КОНКУРС МУДДАТИ — 10 ноябргача.

Мурожаат учун адрес: 700000 Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй. Телефон: 33-52-74.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

17 ОКТЯБРДА СССР биринчилиги учун олий лиганинг «ДИНАМО» (Киев) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

16 октябрда дублёрлар составн учрашади.

УЙИНЛАР КЕЧ СОАТ 7 ДА БОШЛАНАДИ.

ГАЗ БИЛАН ИСИТИШ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАДИГАН ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР БОШ ГАЗ БОШҚАРМАСИ ИСИТИШ МАВСУМИ БОШЛАНАЕТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЭСЛАТИБ ЎТАДИ:

Иситиш асбоблари (печлар, АВГ типидаги асбоблар, ВНИИСТО-МЧ типидаги қозонлар)ни ишлатишдан аввал уларга уланган дудбуронларнинг ишга яроқли эканлигини текшириб кўриш албатта зарур.

Дудбуронлар ишга яроқли бўлса, газ билан иситиш асбоблари ишлаётганда бехатар бўлади ва кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқмайди.

Кўнгилли ўт ўчириш жамиятларининг мутахассислари дудбуронларнинг ишлашга яроқли эканлигини текшириб кўрадилар. Улар ўтказган текширув натижаларига кўра берилган акт турар жойингиз бўйича сиз газдан фойдаланиш тўғрисида рухсатнома оладиган шаҳар ёки район газ идораларига тақдим этилиши керак.

Дудбуронларнинг ишга яроқли эканлиги текширувдан ўтказилмаганда гражданларнинг газ билан иситиш асбоблари, шунингдек сувни тез иситадиган КГИ-56 типидаги колонкалардан фойдаланишлари мутлақо ман этилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БОШ ГАЗ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги раҳбарлиги, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети министрлигининг кадрлар ва ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи Р. Ҳ. Ҳўжаевга опаси

Иноятхон Ҳакимовна ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа жамияти коллективи, жамият Президиумининг масъул секретари ўртоқ С. Мирқосимовга отаси

Мирҳожи МИРҚОСИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги Қўқон коммунал хўжалик техникуми директори Н. И. Раҳимовга рафиқаси

Мухаррамхон СОЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети коллективи комитетнинг қишлоқ хўжалик бўлими мудири М. М. Мирқосимовга отаси

Мирҳожи МИРҚОСИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 01775. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 242.